



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий



ИСЛОМШУНОС ОЛИМЛАР УЧУН ЯНГИ МИНБАР

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ўзининг зоти ва сифатларида ягона бўлган Аллоҳ таборака ва таолога ҳамду санолар, ҳазрат Муҳаммад мустафо ва у зотининг аҳли оилалари, барча саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин!

Улкан ислоҳотлар, туб ўзгаришлар ва хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида шу йил 16 апрель куні давлатимиз раҳбарининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармони барча мўмин-мусулмонлар кўнглини тоғдек кўтарди, айниқса, илм аҳлига берилган имкониятлар барчамизни бағоят мамнун этди.

Мазкур Фармон ёшларнинг илм-маърифатга бўлган иштиёқларини қондириш, уларнинг илмий изланишлар олиб бориш йўлидаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда жуда ҳам катта қадам бўлади. Фармон Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилишининг назарда тутилгани илмий-тадқиқот ишларини тизимли давом эттиришга муносиб шароит яратиш йўлидаги эзгу ишлардан биридир.

Муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, «Мир Араб» олий мадрасаси, ақида, фикҳ, калом, ҳадис ва тасаввуф илмий мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, барча диний таълим муассасаларида Қуръон курслари ташкил этилди. Тошкент Ислом институтида 3 йиллик махсус сиртқи бўлим очилди.

Буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг бизга ато этган буюк неъматларидир. Неъматга эса шукр қилиш керак. Аллоҳ таоло шукр қилган бандасига неъматини янада кўпайтириб беришини ваъда қилган. У Зот Қуръони каримда шундай деган:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِنْ كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ



«Ва Роббингиз сизга: «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», деб билдирганини эсланг» (Иброҳим сура-си, 7-оят).

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши, албатта, муҳим тарихий воқеа бўлди. Мазкур академия барча диний таълим муассасалари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириб, тадқиқот ишларини тизимли давом эттиришга муносиб шароит яратади. Халқаро ислом академияси ўз таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида филиалларига ҳам эгалик қилади. Бу масканда имом-хатиблар, диний таълим муассасалари ва бошқа диний соҳа билан чамбарчас фаолият олиб боровчи мутахассислар ўз малакаларини оширадилар, маърифатларини юксалтирадилар.

Халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши буюк аجدодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш, уларнинг асарларида акс этган инсонпарварлик, бунёдкорлик, бағрикенглик ва эзгулик ғояларини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ҳар томонлама етук, билимли, бугунги куннинг чақириқларига жавоб бера оладиган диний соҳа ходимларини тайёрлаш ва шу орқали юртимизда диний-маърифий соҳанинг ривожини таъминлаш, мамлакатимиз барқарорлигини мустаҳкамлаш, буюк аجدодларимизнинг турли соҳалардаги бебаҳо илмий ва маънавий хазинасидан жаҳон ҳамжамиятини баҳраманд қилишга қаратилган десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирда ушбу академияга талаба-докторантларимизга таълим бериш учун юртимизнинг энг кўзга кўринган олимлари, фан докторлари ва профессорлари жалб қилинди. Бу академиядан умидимиз жуда катта – мазкур даргоҳдан яна бухорийлар, термизийлар, самарқандий ва насафийлар чиқажак, инша Аллоҳ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси муассислигида илмий-тадқиқот ишлари, юртимиз олиму тадқиқотчиларининг илмий-таҳлилий мақолаларини нашр этишга мўлжалланган «Ислом тафаккури» номли диний-маърифий илмий-оммабоп журнал таъсис этилиб, унинг биринчи сони чоп қилинди. Бунинг учун Яратганга шукроналар айтамыз.

Албатта, журналда Қуръон ва ҳадис илмлари, фикҳ, калом илми, ислом тарихи, илмий манбалар таҳлили ва бошқа диний-маърифий мавзуларда мақолалар чоп этилиб, халқимиз маърифати юксалиши, билимлари ортишига хизмат қилади. Журналнинг бир нечта хорижий тилларда нашр этилиши эса, юртимиз илмий салоҳияти, аجدодларимизнинг бой маърифий меросларини жаҳон афкор оммасига тақдим этишга катта имкон беради, инша Аллоҳ.

Аллоҳ таоло ушбу «Ислом тафаккури» журналининг барчамизга муборак қилсин. Журнал ижодкорларига Яратгандан куч-қувват, ижодларига баракалар тилаб қоламан.